

2-1-2020

## SPECIFIC FEATURES OF FINANCING INVESTMENT ACTIVITY OF INDUSTRIAL ENTERPRISES

N. Khidirov

*Tashkent Financial Institute*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

---

### Recommended Citation

Khidirov, N. (2020) "SPECIFIC FEATURES OF FINANCING INVESTMENT ACTIVITY OF INDUSTRIAL ENTERPRISES," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 31.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss1/31>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

## САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақолада саноат корхоналари инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилган, инвестицияларнинг умумий ҳажмида саноат соҳасига йўналтирилган инвестициялар улуши ва саноат тармоғининг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Шунингдек, саноат корхоналарида инвестицияларнинг йўналтириш объекти ва саноат корхоналари инвестицион фаолиятнинг ресурс таъминоти ўрганилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** саноат, саноат корхоналари, инвестиция, инвестиция фаолияти, инвестицион фаолиятни молиялаштириш, инвестиция сиёсати, соф фойда.

## ОСОБЕННОСТИ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

В статье рассматриваются особенности финансирования инвестиционной деятельности промышленных предприятий, анализируется доля инвестиций в промышленности в общем объеме инвестиций и основные показатели отрасли. Кроме того, было проведено дальнейшее исследование объекта инвестирования в промышленных предприятиях и ресурсное обеспечение инвестиционной деятельности промышленных предприятий.

**Ключевые слова:** промышленность, промышленные предприятия, инвестиции, инвестиционная деятельность, финансирование инвестиционной деятельности, инвестиционная политика, чистая прибыль

## SPECIFIC FEATURES OF FINANCING INVESTMENT ACTIVITY OF INDUSTRIAL ENTERPRISES

The article considers the specific features of financing the investment activities of industrial enterprises, analyzes the share of industrial investments in the total volume of investments and the main indicators of the industry. Moreover, a further investigation was undertaken into the object of investment in industrial enterprises and the provisioning source of investment activities in industrial enterprises.

**Keywords:** industry, industrial enterprises, investment, investment activities, financing investment activity, investment policy, net profit.

## КИРИШ

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишини белгилаб олди. Қайси тармоқ корхоналари мисолида бўлмасин, инвестиция фаолиятини

молиялаштиришнинг хусусиятлари ва уни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар доимо тадқиқ этиб келинмоқда. Шу жиҳатдан саноат корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштиришнинг мазмун-моҳияти, вазибалари, амалга ошириш шакллари ва тамойиллари хусусида бир тўхтамга келиш муҳим ҳисобланади. Чунки мазкур масалаларга аниқлик киритмасдан, бир тўхтамга келинмасдан ва умумий фикрни шакллантирмасдан саноат корхоналарида инвестицион фаолиятни молиялаштириш хусусида гапириш маълум ноаниқликларни келтириб чиқарадики, улар охир-оқибатда нотўғри қарорлар қабул қилинишига олиб келиш мумкин.

Мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиши ва иқтисодий барқарорлигини таъминлашда инвестициялар муҳим ўрин тутди. Жумладан, бугунги кунга келиб чет эл инвестициялари ҳар бир иқтисодиёт ривожланишида зарур омил бўлиб ҳисобланмоқда. Бугунги кунда ривожланган инвестицион фаолиятнинг йўлга қўйилишини ҳукуматимизнинг юритаётган оқилона инвестиция сиёсатининг маҳсули эканлигини таъкидлаш лозим. Президентимиз Ш.Мирзиёев ўз маърузаларида “Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да салмоқли натижаларга эришдик. Барча соҳалардаги ижобий натижалар қаторида инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди.

Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – мана шу рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман – 3,1 миллиард АҚШ долларига ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди” деб таъкидлаб ўтдилар [1].

Иқтисодиётга жалб қилинаётган инвестициялар ва юқоридаги рақамлар шуни кўрсатиб турибдики, ҳар қандай жамиятнинг барқарор иқтисодий ривожланишини инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса бугунги кунда шу нарса яққол номоён бўлмоқдаки, ҳар қандай мамлакатнинг бундан кейинги юксалиши инвестицияларни жалб этиш ҳолатига боғлиқ.

Саноатда корхоналарнинг инвестицион фаолияти мамлакатнинг иқтисодий тикланиши билан бевосита боғлиқдир. Инвестициялар тадбиркорлик фаолияти объектларига инвестиция қилинадиган мулкӣ ва интеллектуал кадриятларнинг барча турларини ўзида мужассам этади, бунинг натижасида ижобий молиявий натижа шаклланади.

Ҳозирги кунда саноат корхоналарининг инвестицион фаолияти давлат инвестиция дастурлари доирасида амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, саноат корхоналари инвестицион фаолияти молиялаштиришнинг ўзига хос хусусияти уларнинг катта ҳажмдаги маблағни талаб қилишидир. Шунинг учун, саноат корхоналарининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда улар учун катта миқдордаги молиявий ресурсларни инвестициялаш талаб этилади. Сўнгги йилларда саноат корхоналарида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўпинча эскирган технологиялар ёрдамида амалга оширилмоқда ва бу эса ресурсларни самарасиз сарфланишига олиб келмоқда. Шу муносабат билан

корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари пасаймоқда. Макроиқтисодий омиллар динамикасини аниқ прогноз қилишдан ташқари, лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилишда илғор усуллардан фойдаланиш корхонанинг инвестиция стратегиясини муваффақиятли амалга оширишнинг омили ҳисобланади.

### **Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**

Корхоналарнинг инвестицион фаолиятини молиялаштириш, уларни бошқариш ва инвестицион стратегиясини ишлаб чиқиш тўғрисида хорижлик ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ўртасида хилма-хил фикрлар мавжуд. Ҳар қайси олим ва изланувчилар корхоналарни инвестицион фаолиятини молиялаштириш ва бошқаришга оид ўз ёндашув услуби ҳамда фикрига эга эканлиги билан ажралиб туради. Улар жумласига И.А.Бланк, Е.В.Дмитриева, Ю.В.Гудель, Ҳ.Уанг, П.Лианг, Ҳ.Ли, Р.Янг, Д.Ғ.Ғозибеков, Н.Ғ.Каримов, Н.Ҳайдаров, Н.Р.Кўзиеваларни киритиш мумкин. Мазкур иқтисодчи олимлар томонидан, иқтисодиётнинг реал сектори ва саноат корхоналарида инвестицион жараёнларни бошқаришнинг замонавий тамойиллари, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда корхоналарда инвестицион фаолиятини молиялаштиришга оид муаммолар тадқиқ қилинган.

Е.В.Дмитриева ўз илмий тадқиқотларида саноат корхоналари инвестиция фаолиятини молиялаштириш тизимини ривожлантириш ва уларнинг тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек саноат корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштиришнинг замонавий механизмларининг ишлаб чиқишдаги муаммоларни ёритган [2].

Ю.В.Гудель саноат корхоналарининг инвестицион фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилган инвестицияларнинг самараси ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари бўйича тадқиқот олиб борган [3].

И.Ю.Барабанова ишлаб чиқариш корхоналарининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш механизмлари ва усулларини тадқиқ этган ҳолда, корхоналарда асосий воситаларнинг ишлаши, янгиланиши ва инвестицион фаолиятини молиялаштириш механизмининг ўрганган [4].

Ҳ.Уанг, П.Лианг, Ҳ.Ли, Р.Янглр эса корхоналарнинг юқори технологияли ишланмаларига йўналтириладиган инвестициялар ва уларнинг молиялаштириш манбаларини, шунингдек корхоналарнинг илмий ишланмаларини молиялаштириш манбалари, илмий-тадқиқот, инвестициялар ва тадбиркорлик rischi ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганишган [5].

Д.Ғ.Ғозибеков ўз илмий адабиётларида инвестиция, инвестиция муҳити, инвестиция сиёсати, инвестиция лойиҳалари, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, инвестиция фаолиятини молиялаштириш ва инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш масалаларини ёритган [6].

Н.Р.Кўзиева хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмининг такомиллаштириш йўналишларини тадқиқ этган ҳолда миллий иқтисодиётни эркинлаштириш

шароитида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини юритиш ва уларнинг молия-кредит механизми такомиллаштирилиши юзасидан тавсияларни ишлаб чиққан [7].

Бугунги кунда мамлакатимизда, хусусан, саноат корхоналарида инвестиция фаолиятини ривожлантириш давлатнинг устувор сиёсатга айлантирилган бўлиб, унинг таъминотига эришиш мақсадида соҳага инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда автомобилсозлик, нефт-газ, кимё мажмуаси, машинасозлик, фармацевтика, тўқимачилик саноати, радиоэлектроника саноати каби соҳалар ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизация қилиш ва илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Шу боис, саноат корхоналарига энг замонавий техника ва технологияларни жалб этиш бугунги кундаги устувор вазифалардан бири сифатида долзарблигича қолмоқда.

### **Таҳлил ва натижалар**


Корхоналарнинг самарали инвестиция фаолияти ва шунга мос равишда инвестиция фаолиятини доимий молиялаштириш механизмини такомиллаштириш корхонанинг барқарор ўсишини англатади. Ҳозирги кунда саноат корхоналарининг инвестицион фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаи реал инвестициялар ташкил этганлиги сабабли, корхоналар ўз инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини излаб топиш ва олаётган фойдаларидан инвестицион фаолиятларини молиялаштириш учун маблағлар шакллантириш долзарб жараён бўлиб қолмоқда. Бизга маълумки, ҳозирги кунда энг муҳим вазифалардан бири инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини танлашдир. Бу эса корхонанинг инвестиция ва молиявий фаолиятининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.

Саноат корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштиришни амалга оширишда, аввало корхона ўзининг инвестицион стратегиясини ишлаб чиқиши зарур. Ушбу стратегия орқали корхона режалаштирилган инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришни босқичма-босқич амалга оширади. Саноат корхоналарида инвестиция фаолиятни молиялаштириш жараёни босқичлари 1-расмда кўрсатилган.

Саноат корхоналарида инвестиция фаолиятни молиялаштириш жараёни босқичлари режа асосида амалга оширилиши натижасида, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилган инвестицияларнинг самараси ва самарадорлик кўрсаткичларини кўриб чиқиш энг муҳим вазифаларга айланади. Хусусан инвестицияларнинг самараси ва самарадорлик кўрсаткичлари икки турдаги кўрсаткичлар асосида таҳлил қилинади:

- режалаштирилган кўрсаткичлар, яъни келгуси давр учун белгиланадиган ва инвестицион фаолиятни молиялаштиришга йўналтирилган инвестицияларни келажакдаги самарасини кўришга ёрдам берадиган кўрсаткичлар;

- ҳақиқий кўрсаткичлар, яъни маълум вақтдан кейин, лойиҳа тўлиқ амалга оширилиши ёки уни амалга оширишнинг оралик босқичида инвестицияларнинг самардорлиги таҳлил қилишда қўланиладиган кўрсаткичлар. Бундай кўрсаткичлар бизга лойиҳанинг самардорлигини баҳолаш ва лойиҳанинг келажакдаги тақдири тўғрисида қарор қабул қилишимизга имкон беради.



### **1-расм. Саноат корхоналарида инвестиция фаолиятни молиялаштириш жараёни босқичлари [8]**

Инвестицион фаолиятни молиялаштириш амалиётида эришилган ва келажакдаги натижаларни ҳисобга олишга имкон берадиган амалдаги кўрсаткичларни қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, инвестицион фаолиятда фақат режалаштирилган ёки ҳақиқий кўрсаткичларга таяниш нотўғри бўлади, чунки улар даврлар билан таққосланмайди ва умуман, инвестициялар самардорлигининг барча кўринишларини кўриш имкониятини бермайди.

Саноат корхоналарнинг инвестицион фаолиятини молиялаштириш ташқи ёки ички манбалар орқали амалга оширилади. Инвестицион фаолиятни

ташқи молиялаштиришнинг кенг тарқалган манбалари банк кредитлари, синдикатлашган кредитлар, акция ва облигациялар эмиссия қилиш орқали маблағ жалб қилиш ҳисобланади. Ички манбалар сезиларли даражада кам бўлиб, кўпинча уларнинг ҳажми корхоналарнинг инвестиция фаолиятини молиялаштириш учун етарли эмас ва бу эса ташқи молиялаштириш манбаларига эҳтиёжини оширади.

Саноат корхоналарининг инвестицион фаолиятини молиялаштиришнинг ички манбаларидан энг биринчиси корхонанинг соф фойдаси ҳисобланади. Корхона ўз фойдасини самарали реинвестиция қилиш механизмини ишлаб чиқиши, келажакда ушбу корхонанинг иқтисодий рақобатбардошлилигини оширади ва бўш турган маблағларни самарали айланишига олиб келади.

1-жадвал асосида саноат корхоналарининг иқтисодий фаолият турлари асосида соф фойдасини таҳлил қиладиган бўлсак, унга кўра қайта ишлаш саноати корхоналарининг соф фойдаси 2014 йил 3439,8 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йил бу кўрсаткич 20642,4 млрд.сўмни ташкил этган. Тоғ-кон саноати корхоналарида 2017 йил 2612,4 млрд.сўм зарар кўрилган бўлса, 2018 йил ушбу тармоқ корхоналарининг жами соф фойдаси 392,6 млрд.сўмни ташкил этган. Саноат корхоналарининг умумий молиявий натижаларига кўра 2014 йил 4259,5 млрд.сўм соф фойда кўрилган бўлса, 2018 йил бу кўрсаткич 4,7 мартага ортиб, 20105,6 млрд.сўмга етган.

#### 1-жадвал

#### Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат корхоналарининг молиявий натижалари (соф фойдаси, млрд.сўм) [9]

Йиллар	2014	2015	2016	2017	2018
<b>Саноат жами</b>	4259,5	6460,3	7359,1	4631,0	20105,6
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	607,3	2643,3	2652,4	-2612,4	392,6
Қайта ишлаш саноати	3439,8	3645,1	4804,7	7950,5	20642,4
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	201,0	160,6	-122,2	-727,9	-787,8
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқндиларни йиғиш ва утилзация қилиш саноати	11,4	11,3	24,2	209,9	-141,6

Ўрганишлар кўрсатадики, саноат корхоналарининг соф фойдаси ортиши билан уларнинг инвестицион фаолияти молиялаштиришга зарур бўлган маблағлар ортиши кузатилади. Умуман олганда, корхоналарнинг мавжуд маблағларини (инвестициялар) йўналтириш объекти қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- янги ускуна ва жиҳозлар, техника воситаларини сотиб олиш ва ўрнатиш;
- янги инновацион ғояларни молиялаштириш;
- янги бино-иншоотлар қуриш ва фойдаланишга топшириш;
- асосий фондларни таъмирлаш, янгилаш;
- маҳсулот ассортиментини кўпайтириш;

- кадрлар малакасини ошириш.

Саноатнинг қайта ишлаш корхоналари инвестицион фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу корхоналарда инвестициялар реал инвестициялар шаклида амалга оширилади, инвестицияларнинг бошқа турлари орқали инвестицион фаолиятни молиялаштириш амалиётда кам учрайди.

Саноат корхоналари инвестицион фаолиятини молиялаштиришда инвестиция фаолияти ва унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Инвестицион фаолият фақат инвестицияларни амалга ошириш жараёнлари билан боғлиқ фаолият ҳисобланади. Инвестиция фаолияти учун нисбатан катта миқдордаги маблағларни сарфлаш, фойдага ёки бошқа фойдали самарага эга бўлишда муҳимдир.

Демак, Ўзбекистон иқтисодиётининг тараққиётини таъминлашда саноат корхоналарига инвестицияларни йўналтириш жуда муҳим ҳисобланиб, у, энг аввало, иқтисодиётни интенсив ривожлантириш асосида ҳамда янги техника-технологиялар жалб қилиш ва ўзлаштириш негизида ривожлантириши билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий мажлисга Мурожаатномасида ҳам инвестицияларни жалб қилишнинг самарали воситаларидан бир бўлган давлат-хусусий шериклик механизмларини транспорт, энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга кенг татбиқ этиш кераклиги, шунингдек энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларида чуқур таркибий ислохотлар бошланганлиги, саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилётганлигини, натижада 2019 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга кўпайганлигини таъкидлаб ўтдилар [1].


Саноат корхоналарини модернизация қилиш, технологик янгилаш ҳамда янги корхоналарни ишга тушириш саноатдаги асосий фондлар ҳажмининг муттасил ошиб боришига олиб келмоқда.

Саноат тармоғини асосий таркибий қисми бўлган тоғ-кон ва қайта ишлаш саноати корхоналарига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2018 йилда 41777,9 млрд.сўм ёки 2017 йилга нисбатан 158,0 % асосий капиталга инвестициялар ўзлаштирилди. Шундан тўқимачилик корхоналарига йўналтирилган инвестицияларнинг ҳажми 2017 йил 2650,1 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йил бу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан қарийб 2 мартага ортиб 5285 млрд.сўмни ташкил қилди (2-расм).

Ўзбекистон саноат мажмуида қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги улушини ошириш учун ишлаб чиқилган дастурлар самараси ҳамда жаҳон бозорида саноат маҳсулотларига, жумладан, озиқ-овқат, енгил ва машинасозлик саноатлари маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши пировард натижада саноат ишлаб чиқаришининг қўшимча ўсишига олиб келмоқда.



Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тузилмасига эътиборни қаратсак, кейинги йилларда ёқилғи-энергетика, металлургия, машинасозлик, металлни қайта ишлаш ва тўқимачилик саноати юқори суръатлар билан ўсаётганини кўришимиз мумкин.



**2-расм. Тоғ-кон ва қайта ишлаш саноати бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми (млрд.сўм) [9]**

Саноат корхоналарида иқтисодий ўсишини таъминлаш мақсадлари учун мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги шароитида республика товар-технологик ихтисослашувидаги ишлаб чиқаришларни табиий ресурслар билан таъминланганлик ва экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олиб, стратегик истиқболда инвестицион ривожлантиришнинг кўшимча бозор рағбатлари тизимини яратиш зарур. Саноат корхоналарида иқтисодий ўсиш миллий иқтисодиётда сифат ўзгаришлари ва ишлаб чиқаришни технологик модернизация қилиш учун зарур инвестицион ресурслар билан таъминлашга лаёқатлидир.

Саноат корхоналари учун ички бозорнинг ҳажми ва ўсиши инвесторнинг қарор қабул қилишида асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, иқтисодиётнинг барча тармоқларида инвестицияларни жалб қилишга туртки бўладиган механизмлардан фойдаланиш билан бўғлиқ давлатнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Саноатда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари ишчи кучи қийматига сезувчан бўлади.

### **Хулоса ва таклифлар**

Мамлакатимизда саноат корхоналарининг инвестицион фаолиятини молиялаштиришда ўз инвестиция манбалари (корхонанинг ўз маблағлари) етишмаслиги кузатилади. Корхоналарнинг молиявий натижаларининг яхши бўлмаслиги замирида корхоналарнинг молиявий аҳволи ёмонлашади, натижада

улар инвестицион фаолиятни молиялаштиришда ташқи молиялаштириш манбаларига эҳтиёж сезади.

Саноат корхоналарининг инвестицион фаолиятини молиялаштиришга маблағларни жалб қилиш шартларидан бири инвестицион ҳамкорлик соҳасида орттирилган тажрибани ҳисобга олган ҳолда инвестицияларнинг табиий оқимини кўпайтириш ҳисобланади. Бунинг учун мамлакатда инвестиция муҳити жозибадорлиги ва корхоналарнинг ички инвестиция имкониятларини оширишнинг зарур чоралари кўрилиши лозим. Бу эса корхонанинг инвестицион фаоллигига ижобий таъсир кўрсатади ва инвестицион фаолиятни молиялаштиришда ўзига хос механизм яратилишига замин яратади.

Саноат корхоналарини инвестицион фаолиятини молиялаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

– саноат корхоналарида (мисол учун тўқимачилик корхоналарида) инвестицион фаолиятини молиялаштиришда жалб қилинган маблағлардан фойдаланиш механизминини яратиш;

– саноат корхоналарини инвестицион фаолиятини молиялаштиришга маблағлар жалб қилишда аънанавий усуллар билан бирга ноънанавий усуллардан (мисол учун венчурли молиялаштириш) ҳам фойдаланишга кенг шароитлар яратиш;

– саноат корхоналарида инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда инновацион воситаларини фойдаланиш ва уларни амалга ошириш.

Самарали ташкил этилган инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмгина корхонанинг юқори самарадорлигини таъминлайди. Бу эса, бундай тизим корхонанинг олдига қўйилган мақсадларига эришишга ва уларни амалга ошишига ёрдам беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.  
<https://www.president.uz/uz/lists/view/3324>

2. Дмитриева Е.В. “Модернизация системы финансирования инвестиционной деятельности промышленных предприятий”. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономический наук. М.: Российская академия предпринимательства, 2015. -46 с.

3. Гудель Ю.В. “Управление инвестиционной деятельностью промышленных предприятий”. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. М.: Московского государственного университета печати. 2009. - 24 с.

4. Барабанова И.Ю. “Механизмы и методы финансирования инвестиционных проектов предприятия” // Вестник университета. М.: 2013 – №4. 35-40 с.

5. Wang H., Liang P., Li H., Yang R. “Financing Sources, R&D Investment and Enterprise Risk” // Procedia Computer Science 91 ( 2016 ) 122 – 130 p. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1877050916312303>

6. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Т.: “Молия”, 2003. -215 б.

7. Кузиева Н.Р. “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари”. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.: Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. 2008. - 41 б.

8. Таҳлиллар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.